



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 15 июнь, № 116 (5790)

Шанба

## МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР – МУСТАЎКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни Кўксаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қозоғистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат раҳбарлари шоҳсулга кўтарилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олтидан ўтдилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрафлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги давлатлараро мулоқотлар қарор топганини ҳамда давлатларимизнинг миллий манфаатларини ва бугунги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни ҳар томонлама янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасидаги интилишлари муштарак эканини таъкидладилар.

Қатъий сиёсий ирода, яқин ҳамжихатлик, мустақам шартномавий-ҳуқуқий база ҳамда конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажриба натижасида бугун узоқ муддатга мўлжалланган кенг кўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асослар яратилган.

Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли кўшни сифатида қаралади. Қозоғистон ҳам мамлакатимизга ана шундай нуқтаи назар билан қарайди.

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлик риштлари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъкидланганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугунги ва келажаги-

ни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва ҳаммиз бир-биримизга суянамиз.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нафақат ўзаро ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболлари, айни вақтда бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва раванқини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишдан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга кўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни янада фаоллаштириш ва ҳамкорликдаги сазой-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш барқарорликни мустақамлашга хизмат қилади ҳамда минтақавий ва халқаро даражада тараққиётнинг янги йўналишлари учун замин яратяди. Шу маънода, Ўзбекистон ва Қозоғистон бундан буён ҳам БМТ, МДХ, ШХТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирини ўзаро кўллаб-қувватлашга тайёр.

Учрашув чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасидаги муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга халқларимизнинг туб манфаатларидан қилиб чиққан ҳолда биргаликда ҳар икки томон учун мақбул ечим топиш мақсадида олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар терроризм, наркотрафик, диний экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш

муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўрта Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизими масалаларида ягона позицияни тасдиқладилар. Мазкур позиция минтақадаги барча сув-энергетика муаммоларини фақат халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларига ҳамда минтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигига асосланди. Дарёларнинг юқори қисмида қурилиши режалаштирилган ҳар қандай гидро-техник иншоотлар БМТ шафелигида халқаро мустақил экспертизадан ўтказилиши шарт ҳамда Амурда ва Сирдарёнинг кўйи қисмида жойлашган мамлакатлар билан ўзаро келишиб олинishi лозим.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари иштирокчида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларга қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан бири бўлиб, ўзаро савдо ишчил ва барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 9,6 фоиз ошди ва 2 миллиард 752 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2013 йилнинг январь-апрель ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз ўсди ва 920,4 миллион долларга етди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидир. Бу борада юқори транспорт қилиш ва етказиб бериши ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. 2012 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг Қозоғистон ҳудуди орқали транзит қилинган юқлари ҳажми 1474,6 миң

тоннани, Қозоғистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилинган юқлари ҳажми 3142,9 миң тоннани ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон капитали иштирокида тузилган 177 корхона, шу жумладан, 149 қўшма корхона ва 28 тўлиқ чет эл капитали иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил этилган 125 корхона рўйхатга олинган. Вазирлик томонидан Қозоғистоннинг қатор йирик фирма ва компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг бугунги динамикасини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади. Музокараларда таъкидланганидек, мувозанатлашган тизим асосида ҳамда икки мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ўзаро эҳтиёж мавжуд бўлган товар гуруҳларини синчковлик билан аниқлаш орқали ўзаро савдо номенклатурасини кенгайтириш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистондан Қозоғистонга енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, электротехника ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ойна, полиэтилен ва Қозоғистон бозорига талаб бўлган бошқа товарларни экспорт қилиш бўйича ишга солинмаган катта захиралар мавжуд. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қозоғистондан мамлакат

мизда ишлаб чиқарилмайдиган, миллий иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун зарур бўлган, жумладан, металлпрокат, темир қотишмаси, ёғоч ва тахта каби маҳсулотларни импорт қилиши мумкин.

Томонлар икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия фаолиятини янада такомиллаштиришдан манфаатдор. Бу узоқ муддатли кооперация тамойиллари асосида ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, "Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой" газ қувури орқали табиий газни транспортини қилиш бўйича ҳамкорликни фаоллаштириш имконини беради.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъанавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, ўқув-методик материаллар алмашиш борасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р. Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мисол учун, Ўзбекистонлик халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ҳунармандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги бадиий галереялар ва музейларда машҳур ўзбек rassomларининг кўргазмалари намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозоғистонга гастроллари ташкил этилмоқда. Ўзбекис-

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида "Дўмбира" қозоқ ансамбли, Бўстонлиқ туманида "Дорин" ансамбли мавжуд. Тошкент вилоятида фольклор-ашула, Хоразм вилоятида ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилган.

Музокараларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар мусиқали ва драма театрлари, бадиий ва ижодий жамоалар ҳамда яқинда ижрочиларнинг ўзаро гастроллари, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида тажриба ва мутахассислар алмашиши, миллий спорт турларини ривожлантириш, икки давлат ташкил қиладиган халқаро турнирларда спортчиларнинг иштирокини таъминлаш ишларини, маданият, фан ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари алмашинувини фаол давом эттиришга қелишиб олдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мустақамланган. Шунингдек, Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизimini ривожлантириш борасидаги ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланган.



Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчионасининг янги биноси ҳамда Абай Қўнонбоев хайкали ўзбек ва қозоқ халқлари муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тисмолига айланди.

тон кинематографчилари ўз фильмлари билан Қозоғистонда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда. Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг ҳамда мамлакатимизда ташкил қилинадиган бошқа кўллаб йирик маданий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ қозоқ миллий-фольклор ва эстрада ансамбллари фаолият кўрсатаётир. Жумладан,

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлигини, мамлакатларимизнинг юксак даражадаги ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор тасдиқлаганини ҳамда икки давлат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқганини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчи-

хонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк ҳайкалининг очилиши Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифининг ёрқин воқеаси бўлди.

Маросимда икки давлат раҳбарлари бир неча йил аввал Тошкент шаҳрининг тарихий марказида, қозоқ адабиётини асосчиси номи билан ата-лукча кўчада Қозоғистон элчионасининг янги биносини барпо этиш бўйича келишувга эришилганини таъкидладилар. Президентларнинг ушбу гоёси ҳаётда ўз амалий ифодасини топгани мазкур масканга янги қиёфа бахш этиб, пойтахтимиз ҳўсига хўсн кўшди. Тошкент шаҳри яна бир ноёб меъморий иншоот билан бойиди.

Абай Қўнонбоев хайкали муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тисмолига айланди. Ўзбекистонда ўз даврида ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири — бу чин дўст орттиришдир, деб ёзган муфаккирининг буюк мероси кириб бормаган хонадонни топиш мушкул.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ҳамкорлигининг ривожланиш суръатларини кузатар эканмиз, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатлари мисолида буюк Абайнинг мазкур даъвати ижобатининг ифодасини яққол кўришимиз мумкин.

Ҳаммиз эзгу ва олижаноб мақсадлар сари интилиб яшайдиган халқларни Яратганининг ўзи кўллаб, орзу ва умидлари ижобат бўлишида мададкор бўлади. Бунга азим пойтахтимизда ўзбек ва қозоқ халқлари азалий дўстлигининг гўзал тисмоли сифатида қад рўстлаган Қозоғистон элчионасининг янги биноси ва Абай хайкали очилишига бағишланган маросим чоғида кўт-барак ва фаровонлик рамзи — ёмғир ёққани ҳам бир ишорадир.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Маърифат маркази"га ташриф буюрдилар. Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган ушбу замонавий мухташам бино йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолига ахборот-кўтубхона хизмати кўрсатиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу музаам бино атрафдаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Қозоғистон Президенти мажмуининг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнига юксак баҳо берди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ана шундай кўтаринки руҳда ниҳоясига етди. Ушбу ташриф самимий дўстлик ва узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли муносабатлар ривожидида муҳим тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги давлатлараро мулоқот ҳар доим фаол бўлган ва мунтазамлик касб этган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Анвар БОБОЕВ,  
Олим ТЎРАҚУЛОВ,  
УаД мухбирлари.

Сарвар УРМОНОВ олган суратлар.

# Ўзбекистон Шанхай халқаро сайёҳлик анжуманида

Яқинда Шанхай кўргазмалар марказида анъанавий WTF — 2013 ихтисослаштирилган халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Хитойнинг саккиз юздан ортиқ ҳамда хорижий мамлакатларнинг беш юздан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари қатнашган мазкур анжуман бу йил унинчи маротаба ўтказилди.

## БИЗ ВА ЖаХОН

WTF — 2013 халқаро ярмаркасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти “Atlanta Travel” ҳамда “Abda Travel” компаниялари томонидан тақдим этилди. Таъкидлаш жоизки, Шанхай туризм маъмурияти томонидан махсус ажратилган кенг сахна майдон — анъанавий миллий услубда безатирилган мамлакатимиз бўлмаси ярмарка иштирокчилари билан гавжум бўлди.

Шунингдек, мамлакатимиз сайёҳлик операторлари томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия ва Европа мамлакатлари бўйлаб сафарларни ўз ичига олган янги туристик дастурлар ҳам ярмаркада кенг намойиш қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон вакиллари мазкур халқаро анжуман доирасида ташкил этилган “Хорижа саёҳат” ва “Сайёҳликдаги таваққалчиликларни бошқариш” сингари мавзуларга бағишланган форумларда ҳам қатнашгани ҳолда, ўз лойиҳалари тақдимотларини ҳам ўтказди.

Америка Қўшма Штатларида эътибор ортиб бораётганига қарамай, ушбу давлатлар бўйлаб сафарда бўлган сайёҳлар янги — Хитой билан тарихан боғлиқ йўналишларини излаётгани ҳамда “Буюк Ипаk йўли” бўйлаб саёҳат турлари энг истиқболли йўналишлар сирасига қиришиб бўлиб ўтган мунозаралар чоғида алоҳида айтиб ўтилди. Бунинг сабаби “Буюк Ипаk йўли” саёҳатлари мамлакатларга оид билимларни оширишга хизмат қилиши бораётиб, эко туризми ҳам ўз ичига олгани, қолаверса, саёҳат нархи нисбатан камхаржлиги билан изоҳланади.

Болгариянинг Шанхайдаги Бош консули Ирина Белева хорижий мамлакатларга саёҳат Хитойда тобора ривожланиб бораётганини қайд этар экан, бу ўрта аср меъморчилиги дурдоналари мавжудлиги туфайли салмоқли ярмаркадаги иштирокини юқори баҳолаб, қўллаб-қўллаш зарурлигини таъкидлади.

Устунликка эга бўлган Ўзбекистон учун янги имкониятларни яратадигани алоҳида таъкидланди.

## ЯХШИ ХАБАРЛАР

Жорий йилнинг биринчи чорагида Қашқадарё вилоятининг кичик бизнесининг ялпи ҳудудий маҳсулотлари 40,9 фоизга өтди. Бунда соҳа вакилларига берилаётган турли имтиёزلар ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

## Қўшимча даромад манбаи

Шаҳрисаб туманидаги сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Саидов Бекзо‘д” хусусий корхонаси ҳам шу каби имтиёزلардан фойдаланиб, чорвачилик мажмуасини бунёд этди. Ҳозир бу ерда хориждан келтирилган 50 бош зотли қорамол саноат усулида парварил қилинапти.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Битирувчи бандлиги қафолатланди

“Микрокредит-банк”нинг Пастдаргом тумани Жума филиали томонидан пухта бизнес режасига эга бўлган 21 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари ҳамда 76 нафар чеварга имтиёзли кредит асосида харид қилинган компьютер жамланмалари топширилди.

Шунингдек, 6 нафар битирувчи ўз фаолиятини мазкур молия муассасасида бошлайдиган бўлди. Шундай қилиб, коллежни тугатган 100 нафардан зиёд йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Ўқиш жараёнида бичиш-тикиш сирларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим, — дейди Азиза Исмоилова. — Бугун банкнинг имтиёзли кредити эвазига замонавий тикув машинаси беришди. Бу имкониятдан фойдаланиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчиман.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Рақобатбардош маҳсулот — корхона кўзгуси

Инвестициянинг мақсадли йўналтирилиши тараққиёт қафолатидир. Зеро, бугун мамлакатимизда шаклланган сарможий муҳит ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳаларига кенг йўл очиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришда муҳим омил бўлаётди.

## САНОАТ

Хусусан, вилоятда бу йўналишда қабул қилинган махсус дастурлар ихтисослаштирилган биргина кейинги түрт йил давомида 107 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилиши натижасида саноатда сезиларли ўсшга эришилди. Хусусан, ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион 298 миллиард сўмликка өтди. Эътиборли жиҳати, соҳада

миздаги “Saas Teks invest” масъулияти чекланган жамиятининг Наманган филиали фаолиятини олайлик. Муассислар бу ерга замонавий бичиш-тикиш дастгоҳларини келтириб ўрнатилди. Айни пайтда 80 нафарга яқин ёшлар уларни маҳорат билан бошқараётди.

— Корхона фаолият бошлагани билан касб-хунар коллежларини битирган кўп

бор қаратилган интиляғимиз. Маҳоратимиз ошгани сари моддий манфаатдорлик ҳам кучаймоқда. Айтиш кераки, филиал жамоаси қисқа фурсатда истеъмол бозорини ўз ўрнини эгаллади. Аҳамиятли томони, ҳозир бу ерда тайёрланаётган 7-8 турдаги трикотаж маҳсулотлари тўлиқ экспортга чиқарилмоқда. Ўтган йили қувватлар ўзлаштирилиши бораётиб,



олиб борилаётган ишчи ислохотлар, энг аввало, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жалб этиш, салоҳиятли кадрлар тажрибасини муттасил ошириб бориш маҳсулотларни тақсим бозорга чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Мисол учун, пойтахти-

ёшлар шу ерда ишли бўлди, — дейди тикувчилик дастгоҳини бошқараётган Хуршида Раҳимова. — Коллежда олган назарий билимларимизни амалда қўллаб, бичиш, тикиш ва бошқа амалиётларни пухта бажаришга, иш жараёнида, энг аввало, сифатга алоҳида эъти-

бор қаратишга интиляғимиз. Маҳоратимиз ошгани сари моддий манфаатдорлик ҳам кучаймоқда. Айтиш кераки, филиал жамоаси қисқа фурсатда истеъмол бозорини ўз ўрнини эгаллади. Аҳамиятли томони, ҳозир бу ерда тайёрланаётган 7-8 турдаги трикотаж маҳсулотлари тўлиқ экспортга чиқарилмоқда. Ўтган йили қувватлар ўзлаштирилиши бораётиб,

ўрни яратилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 16,2 фоизга өтди ёки 334,6 миллиард сўмликни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,7 фоиз ўсшига эришилди.

Шошроқ ШАРАПОВ омон сурат.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИСЛОХОТ

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Оролбўйи қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, янги бинарлар бунёд этиш ишларида қатта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тизими тобора такомиллашиб бораётганлиги қувонарлидир. Гап шундаки, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида йўловчи ташиниш билан шуғулланувчи 146 та корхона фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналарга тегишли автобиллар эса қарийб 380 та йўналиш бўйлаб йўловчиларни манзилларига етказмоқда.

# Замонавий инфратузилма ва сифатли хизмат

— Жамоамиз, асосан, автобонд бўлиб қолишга йўловчи ва юк ташиниш учун лицензиялар беради, — дейди Ўзбекистон Автобуслик ва дарё транспорт агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи Ботир Ўтемуратов. — Жорий йилнинг биринчи чоррагида ҳудудий комиссия томонидан 44 та автобондга ана шундай рухсатномалар тақдим этилди. Утган йилнинг шу даврида 1612 та, жумладан, 128 дон яук ташувчи, 1484 дон йўловчи ташувчи ав-

тотранспортга лицензия ҳужжатлари берилиб, давлат хазинасига 214 миллион сўмдан зиёд бож пуллари ўтказилган бўлса, жорий йилнинг январь — март ойларида автотранспорт хизматида 4278,5 миллион сўмлик нақд пул ишлаб топилди. Бу — 115,5 фоиз ўсшга эришилди, дегани.

Бўлим ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда солиқ инспекцияси ходимлари би-

лан биргаликда юк ва йўловчи ташиниш лицензия талабларининг бажарилиши бўйича қўшма рейдлар ўтказётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чораги давомида ташкил этилган 66 та ана шундай тадбирда 555 та қондабузилиш ҳолати аниқланиб, суд томонидан 28 миллион сўмликдан зиёд жарима пуллари ундирилди олинди. Шунингдек, автотранспортда юк ва йўловчи ташиниш бўйича тартиб-қоидалар-

438 миллион сўмлик 6 дон янги автобус билан таъминланди, — дея сўзини давом эттиради Б. Ўтемуратов. — Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган ушбу замонавий “Исузу” автобуслари ҳозир аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Умуман, 2013 — 2016 йиллар давомида бундай автобуслардан яна 43 тасини харид қилмоқчимиз. Зеро, улардан фойдаланиш арзон ва қулай, йўловчиларга эса ана шу жиҳатлари маъқул келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сонли қарорига мувофиқ, йўналишсиз таксилар ҳам махсус лицензия ҳамда таксиметр билан таъминланди. Айни пайтда шахар кўчалари ва йўлларда қатнаётган сарик рангдаги бундай бежири автобуслардан кўзни қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси Ва- зирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги “Шаҳар йўловчилар транспортини обод қилиш ташаббуслари билан таъминлаш тўғрисида”ги 350-сонли қарорига кўра эса, йўловчи ташиниш йўналишларини очиқ тендерлар орқали йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад, йўловчиларга хизмат кўрсатишда рақобатни шакллантириш, хизматнинг энг қулай шартлари аниқлаш, транспорт хизмати бозорини тартибга келтириш, истеъмолчиларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, пировардида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишга эришишдан иборатдир. Қолаверса, янги йўналишлар йўлга қўйиши натижасида қўпбал яортдошларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишаётгани эътиборлидир. Бундан ташқари, автотранспорт хизматидан фойдаланишда имтиёزلарга эга бўлган қишлоқликларнинг ҳуқуқлари таъминланётгани ҳамда ўтган йилнинг 1 мартдан бошлаб касб-хунар коллежлари ўқувчилари куннинг белгиланган пайтларида бепул ташиллаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Бўлимда “Ишонч телефони” ишлаб турибди. Шу орқали мувожабат қилган 12 нафар тадбиркорга ўзлари қизқинч саволлар бўйича тушуңчалар берилиди. Олти нафар тадбиркор эса тегишли маслахатлар олди.

Қисқача айтганда, юк ва йўловчиларни ўз манзилларига бехатар ҳамда тез етказиш, бунинг учун энг мақбул шартларни яратиш ушбу соҳа ходимлари фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ФАХР

Хар қандай саноат корхонаси истиқболини унинг маҳсулотлари белгилайди. Сабаби, юқори сифатли, рақобатбардош, харидорнинг, энг асосийси, мижозлар талабига мос бўлган товарлар тайёрлашни йўлга қўйган ишлаб чиқариш субъектигина бозорда ўз ўрнини топа олади. Андижонлик тадбиркор Абдулҳошим Исмоилов бизнес фаолиятини бошлашдан олдин масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратгани боис у етакчиликл қилаётган “Rubber trust” хусусий корхонаси тезда довруқ қозонди.

# Фидокорона меҳнат эътирофи

Гап шундаки, корхонада бундан етти йил аввал қишлоқ ҳўжалиги ходимлари учун махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Бундай буюмларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта экан. Биргина 2012 йили чет эллик харидорларга 4,5 миллион АҚШ долларлик пойабзаллар етказиб берилгани ана шундан далолат беради, албатта.

Четдан келтирилган иккиламчи материаллар шу ернинг ўзига тайёрлана бошланди. Авваламга пойабзал учун елимлар, қора кол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, жорий йилдан тўқимачилик маҳсулотлари ҳам маҳаллийлаштирилди. Бунда Хитой, Тайван ҳамда Россиянинг замонавий технологик линиялари қўл келди.

Абдулҳошим Исмоилов. — Бундай юксак муқофотни Обод турмуш йилмида қўлга киритганимиз алоҳида кенгайтирилди, меҳнат муваффақиятларимиз билан оқлашга, юртимиз истисодиёти ривожига, аҳоли турмуши фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга бор куч-ғайратини бағишлайман.

Шу билан бирга, жамоа юртимиз аҳолиси ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига турли диаметрдаги шланглар, автомобильлик саноят ичун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари эса турли марказдаги резина маҳсулотлари етказиб бера- япти.

Шу билан бирга, жамоа юртимиз аҳолиси ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига турли диаметрдаги шланглар, автомобильлик саноят ичун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари эса турли марказдаги резина маҳсулотлари етказиб бера- япти.

“Ташаббус” қўриқтанлови мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб, ёшларда бизнесга бўлган иштиёқни кучайтираётгани, уларнинг ишбилармонлиқ қобилиятини рўёбга чиқараётганини қувонарлидир. Натижада кичик бизнес субъектлари сони йил сайин кўпайиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. 2000 йилда республикамиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи мазкур соҳа томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилга келиб, бу кўрсаткич 54,6 фоизга өтгани, шунингдек, саноатдаги улуши 22,2 фоизни ташкил қилгани, шу билан банд бўлган аҳолининг 75,7 фоизини қамраб олгани бунинг яққол тасдиғидир.

— 2012 йилда 400 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилиб, хориждан яна бир замонавий технологик линия олиб келдик, — дейди тадбиркор. — Унинг ёрдамида жорий йилда экспортга мўлжалланган янги турдаги пойабзаллар тайёрлаш ўзлаштирилади. Энг асосийси, 50 та иш жойи яратиш, унга касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб этишни мўлжаллаб турибмиз.

Тадбиркор қўлга киритаётган бу каби ютуқлар алоҳида эътироф этилиб, муносиб рағбатлантирилмоқда. Хусусан, у жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2013” қўриқ-танловида “Энг ахши тадбиркор” йўналишида голд деб топилиб, “Spark” автомобили билан тақдирланди.

— Президент соврини минглаб тадбиркорлар ичидан менга насиб өтгани, бу — энг олий бахт, — дейди

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Ютуқларимиз пойдевори

Бугунги дорилармон кунлар, тинч ва осовийшта ҳаёт бизга совға қилингани йўқ. Буларнинг барчаси инсон омили биринчи ўринга қўйилган 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли, озод ва обод Ватан барпо этиш борасида амалга оширилган улкан ислохотларнинг бемисл самарасидир.

## ДИЛ СЌЗИ

Ана шундай тўкин ҳаётни асраб-авайлаш, авлодларга мерос қолдириш шу Ватанда яшаётган ҳар бир кишининг, ҳоҳ у давлат хизматчиси, ҳоҳ тадбиркор ёки фермер бўлсин, барчамизнинг энг муқаддас бурчимиздир. Шаҳсан ўзим, гарчи ҳали анча ёш бўлишимга қарамадан, ҳеч қўрқмасдан қатта тадбиркорликнинг бошини тута олдим. 2011 йилда бизнес ҳамкорларимиз билан биргаликда Жиззах туманида йилига 2 миллион дон трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга тикувчилик фабрикаси фаолиятини йўлга қўйдик. Натижада Тоқчилик маҳалласининг 100 нафардан ортиқ ёшлари иш билан таъминланди. Бироқ асосий хом ашё ҳисобланган мато четдан олиб

келинар ва бу анча қимматга тушар эди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида ўтган йили банкдан 5,5 миллиард сўм кредит олиб, фойдаланилмаётган бинони соғитиб олдик ва тўлиқ таъмирдан чиқардик. Жанурий Кореядан энг сўнгги технологияларга асосланб тайёрланган бўяш, тикиш, тўқув ва бошқа дастгоҳларни олиб келиб ўрнатдик. Корхонамиз йилига 1,2 миң тонна калава игдан мато тўқуш қувватига эга. Айни пайтда 200 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланган. Келгусида ип йиғирув корхонаси барпо этишни ҳам режалаштирганимиз. Айни пайтда корхонамизда тайёрланаётган кийим-кечакларнинг асосий қисми экспорт қилинапти.

Мақсадимиз янада йирик лойиҳаларни амалга ошириб, юртимиз тиңчилиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшимдан иборат.

Додагон ЭРГАШЕВ, «Жиззах Тошпа Текстиль» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

нинг бажарилиши, эрталабки техник ва тиббий кўриқдан ўтиш ҳолатлари, тиббий кўриқдан ўтиш жойининг асбоб-ускуналар ҳамда малакали мутахассислар билан таъминланганлиги ҳам мониторинг қилиб борилаётди.

— Жорий йил бошида “Бўстон-транс сервис”, “Реймбойтранс” ва “Орол-Тўлқин” масъулияти чекланган жамиятлари лизинг асосида

зирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сонли қарорига мувофиқ, йўналишсиз таксилар ҳам махсус лицензия ҳамда таксиметр билан таъминланди. Айни пайтда шахар кўчалари ва йўлларда қатнаётган сарик рангдаги бундай бежири автобуслардан кўзни қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси Ва- зирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги “Шаҳар йўловчилар транспортини обод қилиш ташаббуслари билан таъминлаш тўғрисида”ги 350-сонли қарорига кўра эса, йўловчи ташиниш йўналишларини очиқ тендерлар орқали йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад, йўловчиларга хизмат кўрсатишда рақобатни шакллантириш, хизматнинг энг қулай шартлари аниқлаш, транспорт хизмати бозорини тартибга келтириш, истеъмолчиларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, пировардида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишга эришишдан иборатдир. Қолаверса, янги йўналишлар йўлга қўйиши натижасида қўпбал яортдошларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишаётгани эътиборлидир. Бундан ташқари, автотранспорт хизматидан фойдаланишда имтиёزلарга эга бўлган қишлоқликларнинг ҳуқуқлари таъминланётгани ҳамда ўтган йилнинг 1 мартдан бошлаб касб-хунар коллежлари ўқувчилари куннинг белгиланган пайтларида бепул ташиллаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Бўлимда “Ишонч телефони” ишлаб турибди. Шу орқали мувожабат қилган 12 нафар тадбиркорга ўзлари қизқинч саволлар бўйича тушуңчалар берилиди. Олти нафар тадбиркор эса тегишли маслахатлар олди.

Қисқача айтганда, юк ва йўловчиларни ўз манзилларига бехатар ҳамда тез етказиш, бунинг учун энг мақбул шартларни яратиш ушбу соҳа ходимлари фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

ИНТИЛИШ

Олтинсой туманидаги "Ботош пахлавони" фермер хўжалиги қошида электродвигателларни таъмирлаш...

Фермернинг янги лойиҳаси

Россиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган ушбу цехда ҳозирги кунда 7 киши меҳнат қилмоқда...

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Беғубор болалик қувончлари

Болалар, уларнинг ширин кулгисию беозор шўхликларисиз ҳаётимизни тасаввур этиш мушкул...

ЁЗГИ ТАЪТИЛ



Бугун юртимизда ёш авлоднинг саломатлиги, таълим олиши, спорт билан шуғулланиши учун кенг шарт-шароит яратилаётганига ҳам бежиз эмас...

Навий вилоятда ҳам айна йўналишда қўлаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда...

канидир. Бу йилги ёз мавсумида ҳам вилоятдаги 27 та мактабда ва 11 та шаҳар ташқарисидда жойлашган оромгоҳга қарийб 15 минг нафар ўғил-қиз жалб қилинган.

Хабарингиз бор, яқинда мазкур оромгоҳларда мактаб ўқувчиларининг ёзги соғломлаштириш ва дам олиш мавсуми бошланди...

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари бекуёс аҳамият касб этаётир. Негаки, бундай масканлар ҳар бир боланинг дунёқарашини бойитиш...

Болаларни соғломлаштириш борасидаги хайрли юмушларга "Навийазот" очик акциядорлик компанияси ҳам муносиб ҳисса қўшаётир...

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Реклама ва эълонлар

Қорхоналар ва ташиқлотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

Куйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича такрорий тендер (ретендер) ўтказилишини эълон қилади: ип аралашган жунли адёллар, бир кишилик пахтали матраслар, 58x58 см.ли пахтали ёстиқлар...

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 15 июль куни соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда...

Майдон 47,22 кв. м. бўлган 2 хонали уй-жой. Бошлангич баҳоси — 40 115 000 сўм. 3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 77-уй, 47-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,87 кв.м., яшаш майдони 28,97 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой...

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

БИЛДИРИШ

1. «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 4 июндаги 107-сонда хабар қилинган: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Припарктаская кўчаси, 51-уйдаги 6-хонадон; Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсос (Водник) даҳаси, 29-уйдаги 45-хонадон; Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 12-квартал, 30-уйдаги 126-хонадоннинг аукцион савдоси Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 31 майдаги хатига асосан тўхтатилади...

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси Шўртан газ-кимё мажмуаси

Куйидаги кимёвий реагент сотиб олиш юзасидан 07/13-сонли тендер савдоси эълон қилади.

Table with 3 columns: Lot soni, Kimёvii реагент номи, Микдори. Lot № 1, Диэтанолламин 85% (НОС2Н4) 2НН, 152,775 тонна

Тендер пакетларини қабул қилиш эълон матбуотда чоп этилган санандан бошлаб 30 кун мобайнида давом этади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Шўртан газ-кимё» мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Фузур тумани, Шўртан кўргони. Тел./факс: +998 (75) 780-87-74. Факс: +998 (75) 221-09-04, 221-08-46.

Электрон почта: tender@sgcc.uz Web Site: www.sgss.uz www.tenderweek.com

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 ноябрдаги 12-0903/4449-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Шароф Рашидов тумани, Шароф Рашидов маҳалласи, 19-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 931,43 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1878,75 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар мажмуаси кўйилмоқда.

2. Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги акримига асосан, Гулистон тумани, «Мирзо Улугбек» СИУ худудда жойлашган, умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 569 256 840 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 16 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлис залда бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 12 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 129 047 025 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган, 11 яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахона мавжуд бўлган, бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган 2 қаватли тураржой биноси такроран кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 710 997 164 сўм.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Урганч шаҳар СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 майдаги 22-13 04/3074-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Урганч шаҳри, 43-Замашарий кўчаси, 57-«Е» уйда жойлашган, «Идеал чорва парранда» х/к.га қарашли, умумий ер майдони 2492,94 кв.м., қурилиш ости майдони 592,11 кв.м. омборхона биноси, 4 та хонадан иборат қурилиш ости майдони 412,14 кв.м. 1-ёрдамчи бино, 3 та хонадан иборат қурилиш ости майдони 85,47 кв.м. 2-ёрдамчи бино, қурилиш ости майдони 94,50 кв.м. бўлган омборхона бинолари кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 178 200 000 сўм.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририятга катта муҳаррири Саодат Урмоновага падали бузруквори

УБАЙДУЛЛО отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Advertisement for «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК, featuring images of pipes and text describing their products and contact information.

